

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

353 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартириш кириштиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 февралдаги 21, 16, 3-02, 01-02/8-44-сон қарори (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатининг 27-позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«	27.	8429 (8429 11 009 0, 8429 51 990 0, 8429 52 100 9, 8429 52 900 0 дан ташқари)	Бурилмайдиган ва буриладиган ағдаргичли бульдозерлар, грейдерлар, режалаштирувчи..., ўзиюрар йўл катоклари, бундан: бошқа гусеничали бульдозерлар; бошқа фронтал бир ковшли юк ортувчилар; бошқа гусеничали экскаваторлар; бошқа тўлиқ айланма машиналар мустасно	».
---	-----	--	---	----

29 (737)-сон

— 11 —

353-модда

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирази.

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2016 йил 11 июль,
117-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 11 июль,
50-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 11 июль,
2016/15-4-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 11 июль,
01-02/8-40-сон